**ШАРТНОМА № 02**

*Андижон шаҳри* 08 *январ 2022 йил*

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «**Андижон Улгуржи Савдо**» **МЧЖ** бундан буён **«Сотувчи»** деб юритилади, унинг номида раҳбари **Ж. Акбаров** бир томондан ва **Андижон вилоят ногиронлиги булган шахсларни реаблитация қилиш протезлаш маркази** номидан унинг раҳбари **К.Кахаров** иккинчи томондан **«Харидор»** деб юритилади, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ва йўриқномаларига асосланиб қуйидаги мазмунда шартнома туздик:

**2. Шартнома предмети.**

1.1 «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган қуйидаги махсулотларни етказиб беради, «Харидор» эса ушбу махсулотларни қабул қилиб олиб хисоб китоб қилади.

| № | Номи | улчов бирлиги | Микдори | нархи | суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гушти 1 (тоифа) | кг | 300 | 65000 | 19500000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | Жами | | | | 19500000 |

Шартноманинг умумий суммаси: **Ун туккиз миллион беш юз минг сўм.**

**2. Шартнома бахоси ва хисоб китоб тартиби.**

2.1. Хисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 15 % ни олдиндан аванс тариқасида "Сотувчи"нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охирги 85 % ни "Сотувчи" томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб- варақ фактуралари асосида 90 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. «Харидор» томонидан 15%и олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг "Сотувчи" 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

**3. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари.**

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқлари:

"Сотувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган маҳсулотлари "Харидор"га унинг транспортида ташилганда "Сотувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Сотувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган маҳсулотлари етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган маҳсулотлари шунга ўхшаш маҳсулотлари билан алмаштирилишини;
- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Харидор" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Сотувчи"дан талаб қилиш.

3.2. "Харидор"нинг мажбуриятлари:

- ушбу шартнома буйича олинадиган махсулотлар микдори тугрисида ёзма ёки электрон тарзида (телефон, факс оркали) махсулот етказиб берилишидан камида 1 кун аввал буюртманома юбориш;
- ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

3.3. "Сотувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Харидор"дан талаб қилиш.

3.4. "Сотувчи" қуйидагиларга мажбур:

"Харидор"га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ ёки "Харидор" томонидан мазкур шартноманинг 3.2-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

**4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Харидор"нинг розилиги билан товар, хом-ашё маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Харидор" томонидан қабул қилинган маҳсулотлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотлар ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. "Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Етказиб берилган маҳсулотлари бевосита "Харидор"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган маҳсулотлари миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Мазкур шартномада назарда тутилган маҳсулотлари етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки "Харидор"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Сотувчи" Харидорларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

4.8. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Сотувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Етказиб берилаётган маҳсулотлари сифати, миқдори "Сотувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Сотувчи" етказиб берилаётган маҳсулотларининг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари "Харидор"га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар етказиб берилган товар, хом-ашё маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Сотувчи" "Харидор"га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотларнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Сотувчи" "Харидор"га маҳсулотларни етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Сотувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва маҳсулотлар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Сотувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7 "Сотувчи"нинг айби билан шартноманинг "Харидор" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Сотувчи" томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 6. Низоларни хал этиш тартиблари

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## 7. Форс – мажор.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар "ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа холатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари", агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юкоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир

## 8. Бошка шартлар.

8.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хужалик суди томонидан хал килинади.

8.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган булиб, унинг бир нусхаси «Сотувчи» да иккинчи нусхаси «Харидор»да сакланади.

## 9. Шартнома муддати.

9.1. Шартнома томонлар имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимларида руйхатдан ўткандан сўнг кучга кириб, **2022 йил 31-декабргача** амал қилади.

9.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## 10. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

**«СОТУВЧИ»**
**"Андижон Улгуржи Ҳамкор Савдо" МЧЖ**

Манзили: Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси 92 уй
Тел/Факс:______________________
Банк номи: INVEST FINANS BANK ХОАТ Андижон филиали
Х/р: 20208000804296339001
МФО: 01114
СТИР: 204772076
ОКОНХ: 71150

Рахбар: Ж.Акбаров

**«ХАРИДОР»**
**Андижон вилоят ногиронлиги булган шахсларни реаблитация қилиш ва протезлаш маркази**

Манзили: Андижон шаҳри, Тошкент кўчаси 44а уй
Тел/факс: 74-224-44-11
ШХВ: 100021860034017109405344001
СТИР: 201863337 ОКОНХ: 91511
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ББҲККМ
ЯҒХ: 23402000300100001010
МФО: 00014. СТИР: 201122919

Рахбар: К.Кахаров.

**Ҳуқуқшунос:** **Р.Каримов**